



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДАСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

DSc Абдуллаев Зафаржон Алижонович

*Тошкент технология, менежмент ва
коммуникациялар институти
ORCID: 0000-0002-4827-1040*

Аннотация. Мазкур мақолада банкларнинг корпоратив фойда солиғи кўриб чиқилган. Олиб борилган эмпирик тадқиқотларда корпоратив фойда солиғини банкларнинг капитал ва мажбуриятлари структурасига, кредит леверажи ва кредит портфелларига нисбатан таъсири муҳимлиги аниқланган. Таҳлил натижасида банклар фойдасига солиқ солиш бўйича хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, молиявий фаолият, солиққа тортиш, солиқ ставкаси, корпоратив фойда солиғи.

НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ПРИБЫЛИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

DSc Абдуллаев Зафаржон Алижонович

*Ташкентский институт технологии,
менеджмента и коммуникаций*

Аннотация. В данной статье рассматривается корпоративный налог банков. Эмпирические исследования выявили значимость влияния налога на прибыль организаций на структуру капитала и пассивов банков, кредитное плечо и кредитные портфели. В результате анализа сформированы выводы по налогообложению прибыли банков.

Ключевые слова: commercial bank, financial activity, taxation, tax rate, налог с доходов корпораций.

TAXATION OF PROFIT OF COMMERCIAL BANKS

DSc Abdullaev Zafarjon Alijonovich

*Tashkent Institute of Management
Technology and Communications*

Annotation. This article discusses the corporate income tax of banks. Empirical studies have revealed the significance of the impact of corporate income tax on the structure of capital and liabilities of banks, leverage and loan portfolios. As a result of the analysis, conclusions were drawn on the taxation of bank profits.

Key words: financial sector, regulation, taxation, financial activities tax, tax rate, corporate income tax.

Кириш.

Молиявий воситачиларни солиққа тортиш билан боғлиқ масалалар иқтисодчи олимлар ҳамда фискал сиёсатни амалга оширувчиларда доимо катта қизиқиш уйғотади, чунки банк сектори ресурсларни тақсимлаш ва иқтисодий ўсиш жараёнида ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ, Saminal (2004) таъкидлашича, илмий тадқиқотларнинг катта қисми молия секторини либераллаштириш, банкларни хусусийлаштириш, тартибга солишнинг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, аксарият мамлакатларда бюджет солиқ тушумларининг муҳим манбаи бўлишига қарамай, банк секторини солиққа тортишнинг оқибатларига нисбатан кам эътиборга берилган.

Тижорат банкларининг молиявий воситачилик фаолиятини ҳам улгуржи истеъмолчилар (фирмалар), ҳам чакана истеъмолчилар (жисмоний шахслар) билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, банкларни солиққа тортишда юзага келадиган номутаносибликларнинг салбий оқибатлари самарадорлик йўқотилиши ва солиқ юкини аслида ким ўзига олиши билан боғлиқ. Шу сабабларга кўра, корпоратив фойда солиғи бўйича аслида солиқ юки банкларга тушадими ёки йўқми, агарда бундай бўлмаса, банклар томонидан солиқ юки қайси тоифадаги мижозларга ўтказишларини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Корпоратив фойда солиғи банк фаолиятига таъсир этишининг асосий канали бўлиб, ушбу солиқ солиш шаклининг банк акциядорларига бевосита тегишли бўлиши билан боғлиқ. Шу сабабдан, мазкур солиқ пруденциал капиталга талаблар билан ўзаро таъсирда бўлади.

Адабиётлар шарҳи.

Аксарият мамлакатларда банклар фаолияти умумий тартибда солиққа тортилади, бироқ банклар имтиёзли ёки устунлик берувчи солиққа тортиш тизимига эга. Хусусан, деярли барча мамлакатларда молиявий хизматлар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан озод қилинган ва корпоратив фойда солиғи тизимида кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун шакллантирилган резервларга солиқ чегирмалари қўлланилади. Saminalнинг (2004) таъкидлашича, банклар фаолиятини солиққа тортиш қуйидаги сабабларга кўра, алоҳида қизиқиш уйғотади:

1. биринчидан, банклар ноёб бўлган функцияни бажарувчи молиявий воситачи ҳисобланади, шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда инвестицион фондлар ва қимматли қоғозлар бозорлари томонидан рақобат кучайган;

2. иккинчидан, банклар фаолиятининг кучли назорат қилиниши ва тартибга солиниши, солиққа тортишнинг айрим шакллари бўйича маъмурий харажатларни пасайтиради;

3. учинчидан, банклар уй хўжалиги ва кичик бизнес секториди маълум даражада моно-полистик ҳокимиятга эга.

Saminal томонидан турли шакллардаги солиққа тортишнинг таъсирини баҳолаш бўйича илмий назарияни ишлаб чиқишдаги модели замонавий банк ишига асосланиб, банк фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини, хусусан, активлар трансформаси, трансакцион хизматлар кўрсатиш ва мониторингни қамраб олган ва ушбу функцияларнинг ҳар бирига солиққа тортиш қандай таъсир этишини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Мазкур тадқиқот натижаларига кўра, қуйидаги хулосалар шакллантирилган (Saminal, 2002):

1. Банк соҳасида мукамал рақобат шароитида ва инвестиция фондлари мавжуд бўлмаган тақдирда депозитларга солинадиган солиқ кредит бозорига таъсир қилмайди. Агар банк депозитлари тўғридан-тўғри инвестициялардан устун бўлиши учун транзакция хизматларини кўрсатиш харажатлари етарли даражада кичик бўлса, депозитларга кичик миқдордаги солиқ депозитлар ҳажмига таъсир қилмайди. Аксинча, депозитларга солиқ депозитлар ҳажми қисқариши ва тўғридан-тўғри

инвестицияларни ошишига олиб келади. Шундай қилиб, банкларнинг икки функцияси хавф остида қолади: транзакция хизматлари кўрсатиш ва ликвидлигини суғурталаш.

2. Агар қарз олувчилар ҚҚС тўловчилари сифатида рўйхатга олинган фирмалар бўлса ва омонатчилар тижорат фаолияти билан шуғулланмаса, у ҳолда банк хизматларига ҚҚС бўйича имтиёз бекор қилиниши кредит бозорига таъсир кўрсатмасдан депозитларга солиқ солишга эквивалентдир. Агар капитал талаблари мажбурий бўлса ва мукамал рақобат шароитида банклар даромадига солинадиган корпоратив фойда солиғи банк кредитларига солиқнинг эквиваленти дир. Бу, ўз навбатида, кредит фоиз ставкаларини оширади ва кредит ҳажмини қисқартиради, бироқ депозит фоиз ставкасига таъсир кўрсатмайди.

3. Депозитларга солиқ депозитлар миқдорини пасайтириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини ошириш тенденциясига эга. Натижада, транзакция хизматлари даражаси қисқаради. Агар инвестицион фондлар бўлмаса, депозитлар тўғридан-тўғри инвестициялардан устунлик қилади, кичик солиқ ставкаси ҳеч қандай бузилиш муаммоларини келтириб чиқармайди. Депозит бозоридаги номукамал рақобатнинг иккита таъсири мавжуд: биринчидан, аралашмаслик (Laissez-faire) мувозанати бузилишига олиб келади, ҳатто, паст солиқ ставкаси ҳам умумий фаровонликка биринчи даражали таъсир кўрсатади; иккинчидан, солиқлар қисман иқтисодий фойдага тушади, бу инвесторларнинг солиқ юкини енгиллаштиради.

4. Мутлақо рақобатбардош банк тизими ва инвестиция фондлари мавжуд бўлмаган шароитда, банк кредитларига солиқ кредитлар бўйича фоиз ставкасини оширади, кредитлаш ҳажми ва банк мониторинги даражасини қисқартиради, кўпроқ фирмаларни қимматли қоғозлар бозоридан қарз маблағлари жалб қилишга ундайди. Банкларнинг бозордаги устунлигининг кредит бозоридаги таъсири, банкларнинг ушбу бозордаги нарх дискриминациясига бўлган юқори қобилятини ҳисобга олмаганда, депозит бозоридаги таъсирга ўхшаш. Ҳеч бўлмаганда, алоҳида банклар фақат капитал бозорлари билан рақобат қилишганда, банк кредитларига солиқ фақат банк эгаларига тушиши мумкин.

5. Капиталдан даромадларга умумий солиқ депозитлар даражасини пасайтиради, инвесторларнинг банк транзакция хизматлари учун тўловларни тўлашга тайёрлиги эса даромадларнинг бараварига ўсишига олиб келади.

6. Депозитларга солиқ банкларни рискли портфелларга инвестиция қилишга ундаши мумкин. Банкларнинг ликвидлиги устувор йўналиш бўлса, банклар кўпроқ монополь ҳокимиятга эга бўлган ҳолатларда фақат ушбу солиқ жорий қилиниши лозим. Бу ҳолда солиқ юки тўлиқ банк миждларига тушади.

Huizinga (2004) фикрича, банклар фаолиятига солиқ солиш капиталлашувга солиқ билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу молиявий активга рента ҳисобланади. Gawehnnинг (2020) таъкидлашига кўра, амалдаги корпоратив фойда солиғи тизими қарзли ва улушли молиялаштириш, баланс ва балансдан ташқари молиялаштириш, нархлар ва инвестициялар тақсимланиши ўртасидаги номутаносибликларга олиб келади. Солиқлар банкларнинг ички қарор қабул қилиш жараёнларига турли йўллар билан таъсир қилади, чунки солиқлар банклар учун катта фискал харажатлар ҳисобланади.

Банклар фаолияти учун солиқларнинг муҳим бўлган қуйидаги жиҳатлари мавжуд: қарзли молиялаштириш, солиқ юки, ташкилий хўжалик шаклини танлаш, фойдани ўтказиш, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги ва дефолт рискни баҳолаш. Молиялаштириш харажатлари ошганда (масалан, солиқ ставкаси кўтарилиши) банклар кредитлар фоиз ставкасини ошириш ҳамда депозитлар бўйича фоиз ставкасини пасайтириш орқали фискал харажатларини (солиқ юкини) ўз миждларига ўтказишади.

Капиталдан даромадга оптимал солиқ солиш тўғрисидаги илмий назарияларга асосланган ҳолда банк фаолияти молиявий воситачиликдан иборат эканлигидан келиб чиқиб, банк фойдаси солиққа тортилмаслиги керак деган хулоса шаклланиши мумкин.

Бироқ, бизнинг фикримизча, жараёнлар иқтисодийнинг бошқа секторида юз берганда молиявий хизматлар кўрсатишда капиталдан олинган даромадлар нисбатан паст ставкада солиққа тортилиши лозим. Хусусан, Чхутиашвили (2010) томонидан фойдани мунтазам дивидендлар тўлашга эмас, ўз капиталининг ўсишига, реал сектор корхоналарини инвестицион кредитлаш ва хориждаги фаолиятини ривожлантиришга сарфлаётган банкларга нисбатан пасайтирилган ставкада фойда солиғи солиниши кўрсатиб ўтилган. Мотовилова эса банклар фойда солиғи ставкасини бошқа нолиявий корхоналарнинг фойда солиғи ставкаси даражасида белгиланиши ва активларнинг эҳтимолий йўқотишлари бўйича шакллантирилган резервларни солиқ базасига киритиш лозимлигини таъкидлаган (Мотовилова, 2011).

Шу билан бирга, тижорат банкларининг фойдасига солиқ солишда кичик капиталга эга бўлган ва янги рўйхатдан ўтган банклар учун имтиёзлар берилиши керак (Зима, 2012). Konvisarova ва бошқаларнинг (2015) таъкидлашча, давлатнинг солиқларни ундириш ва инвестицион жозибадорликни оширишдаги фаолияти самарадорлиги солиқ тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ. Самсонова ва Подковыркиналарнинг (2015) фикрича, тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш жараёнларида нафақат уларнинг иқтисодий реал сектор корхоналарининг узоқ муддатли молиялаштиришини рағбатлантириш, балки солиқларни тўлашдан қочиш имкониятларини чеклаш зарур. Vremus ва бошқаларнинг (2020) таъкидлашча, юқори ставкадаги корпоратив даромад солиқлари мавжуд мамлакатларда банклар леверажни камайтиришга банк йиғимларининг таъсири самараси бўлади. Schepens (2016) фикрича, қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтириш молия институтларининг капиталлашуви даражаси ўсишига олиб келади, шу билан бирга, солиқ қалқонлари банк регуляторлари учун муҳим ва инновацион сиёсат инструменти бўлиши мумкин. Schandlbauerнинг (2017) таъкидлашча, корпоратив фойда солиғи ставкасининг кўтарилиши банклар молиялаштиришига ва операцион танловига таъсир ўтказди, яъни капиталлашуви юқори бўлган банклар узоқ муддатли нодепозит қарзларини ошириш орқали кенгайтирилган солиқ қалқонидан фойда олишга ҳаракат қилишади, капиталлашуви юқори бўлмаган банклар эса кредитлар беришни камайтиради, чунки юқори солиқ ставкалари молиялаштириш харажатларини ошириши натижасида кредитлар маржаси зарарга айланади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тасвирий статистика, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил қилиш, назарий ёндашув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили.


Корпоратив солиқ тизимида бошқа солиқ тўловчилар каби банкларга солиқ базасидан қарз бўйича харажатларини (қарзли молиялаштириш) камайтиришга рухсат берилган. Базель Шнинг норматив талаблари туфайли (масалан капиталга минимал талаблар ёки рискли активларни таъминлаш) банклар қарзли молиялаштиришга жуда катта эътибор бера олмайди, чунки бу уларнинг капиталнинг етарлилик коэффициенти ёмонлаштиради ва банк назорати органлари томонидан назорат кучайишини рағбатлантиради.

Халқаро солиқ ставкаларида фарқ ёрдамида, яъни фойдани юқори солиқ юрисдикциясидан паст солиқ юрисдикцияларига ўтказиш орқали банклар консолидирлашган солиқ харажатларини камайтиришлари мумкин. Банклар, одатда, номоддий активлар ва мураккаб молиявий структурани яратиш ҳамда деривативлар (ҳосилавий молиявий инструментлар) орқали солиқ харажатларини камайтиришда

бошқаларга нисбатан (фойдани ўтказиш) устунликларга эга. Солиқни минималлаштириш учун янада радикал ёндашув 1996 йилдаги АҚШ Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, S параграфига мувофиқ, фойдага корпоратив даражада эмас, балки акционерлар даражасида солиқ солинади (ташкилий хўжалик шаклини танлаш). Ўз солиқ харажатларини минималлаштириш билан бир қаторда банклар қарор қабул қилиш жараёнларининг бошқа соҳаларида корпоратив даромадларни солиққа тортиш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин. Бу мижозларнинг айрим солиқ позициялари бўйича солиқ даъволари заиф бўлганда қўлланилиши мумкин бўлиб, солиқ органларининг мазкур позицияларга қарши бўлиши мижозлар учун қўшимча солиқларга олиб келиши мумкин. Агарда бу ҳолатлар учун аввалдан солиқ захирасини яратиш кўзда тутилмаган бўлса, бу мижозларнинг эркин пул оқимларини камайтиришга олиб келади. Пул оқимларининг камайиши фоиз тўловлари ва кредитлар қопланишига таҳдид солади. Тўловнинг ноаниқлиги сабабли кредит дефолт rischi ортади, банклардан дефолт эҳтимоли мутаносиб равишда (қўшимча) резервларни шакллантириш талаб қилиниши мумкин (дефолт riskини баҳолаш). Молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги корпоратив солиққа тортишнинг бевосита натижаси ҳисобланмаса-да, янги ҳисобот қоидалари, масалан, “Капиталга талаблар тўғрисида”ги директиванинг (CRD, IV) 89-моддасига асосан Европа иттифоқидаги (ЕИ) банклар учун мамлакатлар бўйича оммавий ҳисоботларни жорий қилиш (The introduction of public country-by-country reporting–CbCR) каби янги ҳисобот қоидалари банклар томонидан қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши мумкин (молиявий ҳисобот шаффофлиги). Бу, биринчидан, инвесторлар ва банкларнинг ўзи учун молиявий ҳисоботлар шаффофлигини оширади. Бунда инвесторларнинг мамлакатлар ва амалдаги солиқлар бўйича фойда тақсимланиши тўғрисидаги қўшимча маълумотларга эга бўлишлари оқибатида, келажакдаги солиқ харажатлари ва фойдани аниқроқ прогноз қилишлари мумкин. Иккинчидан, банк фаолияти шаффофлиги ортиб бориши туфайли солиқ аудитининг олдини олиш ёки обрўсини йўқотиш riskини камайтириш мақсадида улар солиққа тортиш структурасини ўзгартиришлари мумкин (солиқ мажбурияти/солиқ қонунларига риоя қилиниши).

Банклар фаолияти ва корпоратив фойдани солиққа тортиш кесишмаси бўйича тадқиқотларда корпоратив фойда солиғининг банклар фаолиятига таъсири таҳлил қилинади, бунинг банкларнинг асосий манфаатдор томонларига (мижозлар, регуляторлар, инвесторлар ва солиқ органларига) таъсир даражаси баҳоланади. Банклар қарор қабул қилиш жараёнида корпоратив даромадни солиққа тортишни ҳисобга олиши бежиз эмас. Чунки, далиллар шуни кўрсатадики, корпоратив фойда солиғи банкларнинг ўз солиқ юкининг бир қисмини мижозларга ўтказишни рағбатлантириш орқали қарзли молиялаштиришни ривожлантиради ҳамда мамлакатлардаги солиқ ставкалари фарқидан фойдаланишга ва кутилган фойда харажатлардан юқори бўлса, ташкилий хўжалик шаклини ўзгартиришга ундайди.

Солиққа тортишнинг банклар капитал ва мажбуриятлари структурасига таъсирини баҳолаш юзасидан бир қатор эмпирик таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, бу ўз навбатида, банклар фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича назариялардаги тахминларни тестдан ўтказиш ва тасдиқлашда муҳим илмий манбалар бўлиб хизмат қилади. Банкларни солиққа тортиш корпоратив фойда солиғига кўп эътибор қаратилаётган долзарб мавзуга айланган ва охириги ўн йилликда олиб борилган эмпирик илмий тадқиқотлар сонининг ортишида ўз аксини топмоқда (1-расм). Бунга охириги юз берган молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқишига корпоратив солиқ тизимида қарзли молиялаштиришга нисбатан мавжуд имтиёзли солиқ режими тўғрисидаги баҳс-мунозараларни сабаб сифатида келтириб ўтиш мумкин.



1-расм. Банклар фаолиятига корпоратив солиққа тортишни таъсири бўйича эмпирик тадқиқотларнинг сони, (Gawehn, 2020)

Солиқлар оширилиши ва камайиши учун таъсир симметрик бўлиб, бироқ йирик бўлмаган ва юқори капиталлашувга эга бўлган банкларга таъсири кучлироқ бўлган. Шунингдек, солиқларга жавобан банклар томонидан норматив рискларни камайтиришга қаратилган норматив арбитраж фаолиятига мувофиқ активлар коррективировка қилиниши натижасида кредит леверажи ўсишига қарамасдан, норматив коэффицентлар мақбул даражада сақлаб қолинади. Ниҳоят, юқори солиқлар банкларнинг инқироз шароитида омон қолиш қобилиятини камайтириши мумкин. Хусусий капитални рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзларининг берилиши банклар ўз капитални оширишга олиб келган, мазкур солиқ ислохотлари амалга оширилгандан сўнг банк капитали коэффицентини 8,83%га ўсган. Мазкур солиқ механизми аста-секин бекор қилиниб борилганда, хусусий капитал коэффицентига тескари таъсирни кузатиш мумкин (Martin-Flores and Moussu, 2019).

Олиб борилган эмпирик тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

тижорат банклари фойдасини солиққа тортишни такомиллаштиришда қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминацияларини камайтириш, хусусий капитални рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари берилиши банкларнинг капиталлашув даражаси ошишига олиб келади;

корпоратив фойда солиғи ставкаларининг ўзгариши банклар молиялаштириш ва операциялари танловига таъсир қилади ҳамда банкларнинг капиталлашув даражасига боғлиқ ҳолда улар ҳулқ-атворига таъсирлари турлича бўлиши мумкин;

корпоратив фойда солиғининг паст солиқ ставкаларидан заиф банклар ўз балансларини яхшилаш учун фойдаланишга мойил бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олганда, эмпирик тадқиқотлар натижалари корпоратив фойда солиғини банкларнинг капитал ва мажбуриятлари структурасига, кредит леверажи ва кредит портфелларига нисбатан таъсири муҳимлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, корпоратив фойда солиғи бўйича эмпирик таҳлиллар солиқнинг капитал структураси тўғрисидаги қарорларга таъсири ва банк капиталини тартибга солиш бўйича узоқ муддатли мунозараларга салмоғли ҳисса қўшади.

Шунингдек, корпоратив фойда солиғида қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациялари камайиши банклар капиталлашувини оширишга қаратилган тартибга солишни рағбатлантириш тизимининг муҳим қисми бўлиши мумкин.

Банкларнинг фойдасини солиққа тортишда энг муҳим масалалардан бири солиқ юки ҳисобланади, яъни пировард натижада корпоратив фойда солиғини банклар тўлашини англатмайди. Чунки, банклар кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ошириш ва омонатлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш ҳамда воситачилик харажатларини ошириш орқали солиқ юкини ўз мижозларига ўтказишлари мумкин.

Adabiyotlar / Lumeputupa / Reference:

Bremus Franziska & Schmidt Kirsten & Tonzer Lena, (2020). *Interactions between bank levies and corporate taxes: How is bank leverage affected?* *Journal of Banking and Finance*. <https://www.sciencedirect.com/science>.

Caminal R., (2002). "Taxation of banks: A theoretical framework", *UFAE and IAE Working Papers 525.02, Unitat de Fonaments de l'Anàlisi Econòmica (UAB) and Institut d'Anàlisi Econòmica (CSIC)*.

Caminal R., (2004) "Taxation of Financial Intermediaries", *ELS Opuscles del Crei, No. 15*.

Gawehn Vanessa, 2020. *Banks and Corporate Income Taxation: A Review*. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3498843>.

Huizinga H., (2004). *The taxation of banking in an integrating Europe*. *International Tax and Public Finance*. 551-586.

Konvisarova E., Samsonova I., Vorozhbit O. (2015). *The nature and problems of tax administration in the Russian Federation*. *Mediterranean Journal of Social Sciences*. <https://www.richtmann.org/journal/index.php/mjss/article/view/7747/7422>.

Martin-Flores Jose-Maria and Moussu Christophe, (2019). *Is Bank Capital Sensitive to a Tax Allowance on Marginal Equity?* *European Financial Management*. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3345999>.

Schandlbauer Alexander, (2017). "How do financial institutions react to a tax increase?" *Journal of Financial Intermediation, Elsevier, vol. 30(C), p.86-106*.

Schepens, G., (2016). "Taxes and bank capital structure," *Journal of Financial Economics, Elsevier, vol. 120(3), pages 585-600*.

Зима О.В., (2012). *Зарубежный опыт налогообложения коммерческих банков. Международный бухгалтерский учет*. 6(204). <https://cyberleninka.ru/article>.

Мотовилова О.А., (2011). *Особенности налогообложения коммерческих банков. Инновационное развитие экономики*. <https://www.elibrary.ru>.

Самсонова И.А., Подковыркина И.Д., (2015). *Пути развития налогообложения коммерческих банков в современных условиях. Международный студенческий научный вестник*. (4-3). С. 436-438

Чхутиашвили Л.В., (2010). *Налогообложение коммерческих банков в условиях глобализации. Международный бухгалтерский учет*. 7(139). <https://cyberleninka.ru/article>.